

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мақсуд ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ЁШ МУТАХАССИСЛАРГА ЙЎЛ ОЧИҚ

Президентнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4232-сон Фармони билан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат шартномалари асосида ишга қабул қилишда микрофирмалар ва кичик корхоналарга банд ҳодимларнинг ўртача йиллик сонини қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоизгача ошириш ҳуқуқи берилган, бунда улар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар сақланиб қолади.

Ҳодимлар сонининг оширилишига таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

ҚОҒОЗ ИСТЕЪМОЛИ 30 ФОИЗГА ҚИСҚАРАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги 155-сон қарори билан Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди. Унда Давлат бюджети харажатлари классификациясига қоғоз харид қилиш учун алоҳида моддани жорий этиш, шунингдек 2010-2012 йилларда қоғоз сарфини камида 30 фоизга, ҳар йили – 10 фоиздан қисқартириш назарда тутилган. Ҳужжат билан бошқарув органларининг маъмурий-бошқарув ходимларини компьютер техникаси билан таъминлашни якунлаш, ички идоравий қоғоз ёзишмаларини тегишли равишда қисқартирган ҳолда электрон ҳужжат айланишини кенгайтириш, локал ва корпоратив компьютер тармоқларини жорий этиш режалаштирилган. Қоғознинг газета, офсет ва бошқа турларидан янада тежаб фойдаланишни таъминлаш мақсадида нашриёт-матбаа корхоналарини модернизация қилиш, мулкчилик шаклларида қатъи назар, резидентлар ва норезидентлар томонидан етказиб берилаётган қоғознинг газета ва офсет турларини олиб қиришининг республикада амалда бўлган тартибини танқидий таҳлил қилиш, қоғозни олиб кириш, харид қилишни тартибга солиш, ҳисобга олиш ва сарфлаш, нарх-наво тизимини мақбуллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлашни назарда тутди. Мамлакатимизда қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хом ашё базасини ривожлантириш, иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва етказиб бериш тизимини кучайтириш ва такомиллаштириш ҳам кўрсатилган тадбирлар комплексига киририлган. Мактабларнинг айрим синфларида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш муддатларини узайтиришни назарда тутган ҳолда уларнинг янгиланиши ва нашр этиш даврийлигини мақбуллаштириш керек.

БЎЛАЖАК ОНАЛАР УЧУН БЕПУЛ ВИТАМИНЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 156-сон қарори билан 2010-2014 йилларда қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёлларни таркибида, шу жумладан, фолий кислотаси мавжуд бўлган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплекслари билан бепул таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ҳужжат билан уларнинг энг кам рўйхати, шунингдек 2010-2014 йилларда кўрсатиб ўтилган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар махсус комплексларини харид қилиш бўйича Идоралараро тендер комиссияси таркиби тасдиқланди.

Шу йилнинг ўзида ҳомиладор аёллар учун поливитаминлар комплексларини харид қилишга 8,0 млрд сўм маблағ ажратиш назарда тутилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан олиб кириладиган умумий қувватлантирувчи поливитаминлар комплекслари 2015 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирув учун йиғим бундан мустасно) озод этилади.

Ҳужжат билан тасдиқланган Поливитаминлар комплексларини харид қилиш, тақсимлаш ва ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга биноан республиканинг қишлоқ туманида яшайдиган ҳар бир ҳомиладор аёл ҳомиладорлиқнинг 5 ойи давомида улар билан таъминланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи поливитаминлар комплекслари истеъмол ўрамыга «Сотиш ман этилади» деган ёзувни ёзиши ва ҳар бир ўрамга қўллаш бўйича давлат тилидаги йўриқномани илова қилиши шарт.

АВТОТАШУВЧИГА КРЕДИТ БЕРИЛАДИ

Молия вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 26 июлда 2124-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг махсус ҳисобрақамига ўтказиладиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унда белгиланишича, агентликнинг махсус ҳисобрақамидagi маблағлардан фақатгина Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: автомобиль транспорти инфратузилмасини ривожлантириш; автомобиль транспортининг ҳаракатланувчи таркиби паркинни янгилаш; йўловчи автовокзаллари ва автостанцияларини куриш, реконструкция қилиш; автомобиль транспортда хавфсизликни таъминлаш бўйича дастурий чораларни амалга ошириш.

Ушбу маблағлар автомобилда ташувчилар – юридик шахсларга Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича

кредитлар шаклида, 5 йил муддатга, кредитни қайтариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мажбурияти юклатилган ҳолда берилади. Маблағ олувчиларнинг кредитни қайтариш бўйича мажбуриятларини таъминлаш мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови, банк ёки суғурта ташкилоти кафолати ёхуд учинчи шахслар (юридик шахслар) уларга хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган кафолати билан таъминланиши керак.

2010 йил 5 августдан кучга кирди.

САВДОЛАР НАЗОРАТ ОСТИДА

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 26 июлда 2125-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Чунончи, Низомда кўрсатиб ўтилган стратегик ва монопол маҳсулотларни, шунингдек хом ашё ва материалларни реализация қиладиган ташкилотлар (олдин – фақат монополист корхоналар) тегишли моддий баланслар ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори билан аниқланадиган ҳажмларда, шунингдек жадвалларда назарда тутилган муддатлар ва маҳсулот турига қараб – ойлар бўйича, ой ўн кунликлари бўйича ва биржа савдолари кунлари бўйича бир маромда биржа ва кимошди савдоларига қўядилар. Кичик бизнес субъектларидан бошқа ташкилотлар ҳар ойнинг 3-санасидан кечиктирмай Қўмитага юқоридаги талаблар амалда бажарилиши тўғрисида ахборотни, биржа ва кимошди савдоларининг ташкилотчилари эса ҳар кун биржа ва кимошди савдоларига қўйилган маҳсулотнинг ҳақиқий ҳажмлари, сотилган маҳсулот нархлари ва биржа ҳамда кимошди савдоларида шаклланган нархларнинг ўртача котировкалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этишлари шарт.

2010 йил 5 августдан кучга кирди.

МАМЛАКАТИМИЗ АВТОМОБИЛЛАРИГА АКЦИЗ СОЛИГИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 27 июлда 2126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ички бозорда со-



тилаётган «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларга акциз солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ, акциз солигини тўловчилар «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган янги автомобилларни савдо-дилерлик келишувлари асосида сотувчи юридик шахслар (дилерлар)дир. Уни ҳисоблашда солиқ солинадиган база бўлиб эса улар томонидан республика ичида сотиладиган, дилернинг воситачилик ҳақини чегириб ташлаган ҳолдаги қиймати ҳисобланади. Сотилган автомобилга акциз солиғи суммасини ҳисоблаб чиқаришга мисол келтирилган.

Шунингдек ҳужжатда белгиланишича, хорижий валютадаги халқаро пластик картчалардан фойдаланган ҳолда автомобиль сотилганда, автомобиль учун тўлов харидорлар томонидан «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖнинг транзит валюта ҳисобрақамига тўлов ўтказилган кундаги Марказий банкнинг курси бўйича ички бозорда амалда бўлган чакана нархига эквивалент миқдорда ўтказилади. Бунда «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ миллий валютадаги ўз пул маблағлари ҳисобидан акциз солиғи суммасини – «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖнинг махсус банк ҳисобрақамига, дилернинг воситачилик ҳақи суммасини эса унинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақамига ўтказилади.

Низомда шунингдек бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

2010 йил 6 августдан кучга кирди.

Меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 24 июлдан 30 июлгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 30-сонидан тасдиқланди.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг:

- 2010 йил 23 июлдаги 270-аф-сонли буйруғига асосан МЧЖ «Ишонч» аудиторлик ташкилотига 2010 йил 25 февралда берилган 00022-сонли лицензиянинг амал қилиши 2010 йилнинг 23 июлидан тугатилди.
- 2010 йил 29 июлдаги 271-аф-сонли буйруғига асосан «BUNYOD-AUDIT» МЧЖга 2007 йил 29 декабрда берилган 00695-сонли лицензиянинг амал қилиши 2010 йилнинг 29 июлидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари
М.МИРЗАЕВ.

УШБУ СОҒДА	1-бет	2-бет	4-бет	5-6-бетлар
	Қонун ҳужжатларига қисқача шарҳ	Юрист маслаҳати	Ҳакамлик судлари рўйхати билан танишинг	Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар
	\$1 = 1607,61 сўм	€ 1 = 2089,54 сўм	£1 = 2527,48 сўм	¥10 = 185,89 сўм

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ: ХАТОСИЗ ТЎЛДИРАМИЗ

? **Агар киши икки жойда ишласа: биринчиси – асосий иш жойи, иккинчиси – ўриндошлик бўйича, меҳнат дафтарчасидаги ёзувни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш керак?**
Кадрлар бўлимининг ходими.

– Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома* (бундан кейин – Йўриқнома) 2.12-бандининг тўққизинчи хатбошисига кўра ўриндошлик бўйича иш тўғрисида маълумотлар асосий иш жойи бўйича иш берувчи томонидан меҳнат дафтарчасига ходимнинг ёзма аризасига асосан, ходимни ўриндошлик бўйича ишга қабул қилган иш берувчининг буйруғига мувофиқ киритилади. Ариза эркин шаклда ёзилади.

Масалан: «Меҳнат дафтарчамга «TOUR Travel» МЧЖда менежер лавозимида ўриндошлик бўйича ишлашим тўғрисида ёзув киритишингизни сўрайман».

Кадрлар бўлимининг бошлиғи ёки корхонанинг локал ҳужжатлари билан ходимларнинг меҳнат дафтарчаларини юритишга ваколат берилган бошқа шахс ходим аризасини қабул қилиб олиб, унинг ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ нусхасини талаб қилиб олиши керак.

Ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ намунаси:

«Скрябина Ксения Владимировна 2010 йил «01» майдан ўриндошлик бўйича, меҳнат шартномасига мувофиқ белгиланган иш режими билан, ҳисоб-китоб бўлимининг бухгалтери қилиб ишга олинсин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш штат жадвалида назарда тутилган маошининг 60%и ҳисобидан келиб чиқиб амалга оширилсин.

Асослар:

1. 2010 йил «01» майдаги 235-сон меҳнат шартномаси.
2. Асосий иш жойидан маълумотнома*.

Йўриқномага мувофиқ ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги ёзувларнинг барча турлари иш берувчи томонидан буйруқ чиқарилганидан кейин киритилади, ушбу ёзув унинг матнига мувофиқ келиши керак.*

Ўриндошлик бўйича иш тўғрисида меҳнат дафтарчасига ёзув киритиш тўғрисида буйруқ намунаси:

«Кадрлар бўлимига, Скрябина Ксения Владимировнанинг меҳнат дафтарчасига ҳисоб-китоб бўлими бухгалтери лавозимида ўриндошлик бўйича ишлаши тўғрисида ёзув киритилсин.
Асос:
Скрябина Ксения Владимировнанинг аризаси».

Кадрлар бўлимининг ходими ёки ходимларнинг меҳнат дафтарчаларини юритишга ваколат берилган бошқа шахс томонидан тегишли ёзув киритилади**.

Меҳнат дафтарчасига ўриндошлик бўйича ёзувларни киритиш тўғрисида «Норма маслаҳатчи» газетасининг 2009 йил 26 октябрдаги 43 (224)-сонидан чоп этилган «Ўриндошликка қабул қилинди...» мақоласида батафсилроқ сўз юритилган.

*Меҳнат вазирлиги ва ИТВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

**Ёзув намунасини эркин фойдаланиш учун очик www.norma.uz сайтида кўринг.

Реклама




Эксперт маълумотнома тизими

ПЕНСИЯЛАР. НАФАҚАЛАР. ИМТИЁЗЛАР

- Пенсиялар тайинлаш ва тўлаш, шу жумладан айрим тоифадаги ходимларнинг пенсия таъминоти хусусиятлари.
- Жамғариб бериладиган пенсия таъминоти механизми.
- Болалар учун нафақалар, имконияти чекланган шахслар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, кам таъминланган оилаларга нафақалар ва имтиёзлар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш ва тўлаш тартиби.
- Энг кўп бериладиган саволларга жавоблар.
- Пенсия ва нафақаларни ҳисоблашга мисоллар.
- Ижтимоий таъминотта доир меъёрий ҳужжатлар ва тушунтиришлар.

Харид қилиш учун олдиндан буюртманомаларни (998 71) 237-45-29 телефони ёки info@norma.uz электрон манзили орқали юборинг.



ФАҚАТ СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ ТЎЛАНГАНИДА



Ўриндошлик бўйича ҳисоблаб ёзиладиган иш ҳақи пенсияни ҳисоблаб ёзиш чоғида даромадларга киритиладими (барча солиқлар ва ажратмалар ўз вақтида ушлаб қолинади ва ўтказилади)?

Туристтик фирма бухгалтери.

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон, бундан кейин – Қонун) 32-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иш ҳақига пенсия ҳисоблаб чиқариш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзиладиган барча турдаги меҳнат ҳақи киритилади. Ўриндошлик бўйича ходимнинг иш ҳақидан иш берувчи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини ҳам ушлаб қолиши боис, тегишинча, ушбу даромад пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун

ўртача ойлик ҳақиқий иш ҳақини ҳисоблаётганда инobatга олиниши керак. Уни ҳисоблаб чиқариш учун пенсияни расмийлаштираётганда нафақат асосий иш жойидан, балки ўриндошлик бўйича иш жойидан ҳам маълумотнома тақдим этиш лозим.

Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик ҳақиқий иш ҳақи, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг кейинги 10 йили мобайнидаги кетма-кет келувчи исталган 5 йил учун (пенсия олиш учун мурожаат қилувчининг танлаши бўйича) олинади (Қонун 31-моддасининг биринчи қисми). Бундан ташқари, Президентнинг «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони (2007 йил 17 сентябрдаги ПФ-3921-сон) асосида пенсия ҳисоб-китоби учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан, яъни 361 720 сўмдан (8 x 45 215*) кўп бўлмаган иш ҳақи қабул қилинади.

*2010 йил 1 августдан Президентнинг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сон Фармонида мувофиқ 1 ЭКИХ 45 215 сўмга тенг.

ТЎЛАШЛАРИ ШАРТ



Хўжалик ҳисобидаги ташкилотда ходима декрет таътилига чиқяпти. Раҳбарият ҳисоб-китоб рақамига пул жуда кам миқдорда тушаётганлигини ваъ қилиб, унга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича бир марталик пул нафақасини тўлашдан бош тортяпти, бироқ корхона ўз фаолиятини давом эттиряпти, аввалгидек иш ҳақи, мукофотлар тўланапти, бошқа харажатлар қилинапти. Нафақани тўлаш қайси муддатларда амалга оширилиши керак? Юқорида баён этилган ҳол она ва бола ҳуқуқлари бузилганлиги учун судга ариза бериш учун асос ҳисобланадими?

Р.Усмонов,
бошқарув раиси в.б.

– Қонун ҳужжатларида иккита турлича нафақа назарда тутилганлигини таъкидлаш зарур: **ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси** (Меҳнат кодексининг 233, 286-моддалари) ҳамда бола туғилганда бир марталик нафақа (Меҳнат кодексининг 287-моддаси). Уларни тўлаш мажбурий бўлиб, корхона раҳбари ундан бош тортишга ҳақли эмас.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида «Низомга» (бундан кейин – Низом) кўра ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асосида ушбу таътилга чиққан пайтдан бошлаб бутун ҳомиладорлик ва туғиш таътили даври учун тўлиқ иш ҳақи (100%) миқдорда тўланади. 2010 йилда ишлаётган аёлларга ҳоми-

ладорлик ва туғиш нафақасини тўлаш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юкланган, у нафақани ўз маблағлари ҳисобидан тўлаши керак*.

Бола туғилганда бир марталик нафақани тўлаш эса ишлаётган аёлларга иш жойида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан амалга оширилади (1136-сон Низомнинг 1-банди), бунда ФХДЁ органлари томонидан берилган бола туғилганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилиши керак. Нафақа суммаси қонун ҳужжатлари билан бола туғилган санада белгиланган меҳнат ҳақи энг кам миқдорининг икки бараварига тенг (1136-сон Низомнинг 79-банди).

Нафақалар ходимнинг асосий иш жойидан корхонанинг Ижтимоий суғурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссиялар бўлмаган корхоналарда нафақалар иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вакил қилинган шахс томонидан таъинланади (1136-сон Низомнинг 93-банди). Ходимнинг аризаси нафақа учун

мурожаат қилинганлигини қайд этиш учун рўйхатга олиншига эришиш жуда муҳимдир. Чунки ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин ёки бола туғилган кундан бошлаб 6 ой мобайнида унинг учун мурожаат қилинмаса, тегишли нафақа тўланмайди (1136-сон Низомнинг 5-банди).

Нафақалар ойда бир марта – ойнинг иккинчи ярми учун иш ҳақи билан бирга тўланади. Улардан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ва улар бўйича ижтимоий суғуртага ажратмалар ушланмайди (Солиқ кодексининг 178 ва 179-моддалари).

Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги Низом³ билан бир марталик нафақа тўланишини молиялашга ташкилотлар томонидан буюртманомалар бериш (мазкур ҳужжатга 2-иловага кўра шаклда) тартиби белгиланган (20-банд). Унинг ҳисоблаб ёзилиши, тўланиши ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан бу мақсадларга олинган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун юридик шахсларнинг раҳбарлари жавобгар ҳисобланадилар (63-банд). Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси).

Кўрсатилган ва қонун билан кафолатланган тўловларни тайинламаслик ҳамда тўлаш маслиҳат қонунчиликини бузиш ҳисобланади. Бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун ходима судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

*Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

²Президентнинг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1245-сон қарори 24-банди.

³МВ, МАИМКВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 6 апрелда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

Манба: www.prime-tass.ru

Жавобларни «Норма» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлаган.

УШБУ СОНДА:

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-бет

✓ **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Меҳнат дафтарчаси: хатосиз тўлдирамиз
– Фақат суғурта бадаллари тўланганида
– Тўлашлари шарт

– Валюталар курси
2-бет

✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Усуна учун пул бўлмаса
– Хусусий корхонанинг ўз хусусиятлари
бор

– НКМсиз мумкин эмас
3-бет

✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**
– Учинчи шахс суди

– Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари тўғрисида ахборот
4-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Республикада қозони тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Идоравий-меъёрий ҳужжат

– ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ички бозорда сотилаётган «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларга акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

5-6-бетлар

✓ top

7-8-бетлар

УСКУНА УЧУН ПУЛ БЎЛМАСА

? Жисмоний шахс Ўзбекистон қонун ҳужжатларига мувофиқ сертифициланган ускунага эга. Бироқ муайян ҳолатларга кўра ундан фойдалана олмайди. Лекин ушбу ускуна воситасида фаолиятни амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахс мавжуд, бироқ у пули йўқлиги туфайли ушбу ускунани харид қила олмайди.

Ушбу ускунадан юридик шахснинг фойдаланишини қандай расмийлаштирса бўлади?

? Жисмоний шахс ўзига пластик сўм карточкасини очишга, юридик шахс эса ушбу карточкага ускуна ижараси учун маблағ ўтказишга ҳақлими? Агар ҳақли бўлса, жисмоний шахс учун қандай солиқ оқибатлари юзага келади?

Газетхон.

I ВАРИАНТ. ИЖАРА ШАРТНОМАСИ


– Юридик ва жисмоний шахслар ижара шартномасини тузишлари мумкин. Фуқаролик кодексининг 535-моддасига мувофиқ у ҳақ эвазига ижарага топшириш хусусиятига эга бўлади. Ижара шартномасида ижарачига ижара объекти сифатида бериладиган мол-мулкни (мазкур ҳолда – ускуна) белгилаш имконини берадиган маълумотлар, ижара муддати, ижара ҳақининг миқдори, уни киритиш тартиби, шартлари ва муддатлари, мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг мақсадига мувофиқ ҳолатда тутиб туриш бўйича тарафларнинг мажбуриятларини

тақсимлаш ва бошқа шартлар бўлиши керак.

Жисмоний шахс пластик банк карточкасини очиш, юридик шахс эса унинг аризасига биноан жисмоний шахснинг банк карточкасига ижара шартномаси бўйича пул маблағларини ўтказиш ҳуқуқига эгадир.

Солиқ солиш ижара ҳақи қандай – нақд пулсиз ёки нақд пул шаклида тўланганлигига боғлиқ эмас.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи. Солиқ кодекси (СК)нинг 171-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг жами даромади (солиқ солинадиган база ундан келиб чиқиб аниқланади) таркибига мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар



(СКнинг 176-моддаси) ҳам кирадиган мулкнинг даромадлар киради. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини юридик шахслар ҳисоблаб чиқаришлари, тўлов манбаида ушлаб қолишлари ва тўлашлари шарт.

Сизнинг ҳолатингизда **жисмоний шахс томонидан ускуна ижарага беришдан**

*2010 йил учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкалари Президентнинг ПҚ-1245-сон қарори билан белгиланган, улар билан эркин фойдаланиш учун очик www.norma.uz сайтида танишиш мумкин.

**Янги иштирокчининг МЧЖга кириши тўғрисида www.norma.uz сайтидан батафсилроқ билишингиз мумкин.

олинган даромадлар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланмайди ва, тегишинча, уларга ЯИТ солинмайди. Шунингдек мулкнинг даромадларга, шу жумладан мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга фуқароларнинг мажбурий сугурта бадаллари ҳисоблаб ёзилмайди.

Шу тариқа, жисмоний шахсга ускуна ижарага бериш шартномаси бўйича ҳақ тўланганида юридик шахс пул маблағларидан фақат жисмоний шахсдан олинadиган даромад солиғини ушлаб қолиши лозим*.

II ВАРИАНТ. МЧЖда ИШТИРОК ЭТИШ

Шунингдек жисмоний шахсга МЧЖ иштирокчиси бўлиб, ўз улуши сифатида ушбу ускунани киритишни таклиф қилиш мумкин. МЧЖга янги иштирокчининг кириши «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон, бундан кейин – Қонун) билан тартибга солинади**.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.

ХУСУСИЙ КОРХОНАНИНГ ЎЗ ХУСУСИЯТЛАРИ БОР



? Мен 2010 йил февралда хусусий корхона очдим. Очилган кундан бошлаб фирма ҳеч қандай ишни амалга оширмади, ҳисоб-китоб рақамида ҳеч қандай операциялар қайд этилмади.

1. Иш ҳақи ҳисоблаб ёзилиши керакми?
2. Мен мамлакатни оилавий ҳолатлар сабабли тарк этишга мажбурман, фирма фаолиятини вақтинча номуайян муддатга тўхтатишим мумкинми (бунинг учун қандай ҳужжатлар керак) ёки фирмани ёпишим шартми?
3. Агар тўлов топшириқномалари банкдаги картотекада бўлса, ДСининг солиқларни нақд пул билан кассага тўлаш тўғрисидаги талаби қонунийми?

ХК директори.

– 1. Агар сиз шахсларни меҳнат шартномалари ва фуқаролик ҳуқуқий шартномалар бўйича ишга олган ҳамда улар бажарган ишни қабул қилган бўлсангиз, уларга иш ҳақи тўлашингиз керак (Меҳнат кодекси 16-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси). Мазкур шахслар иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлган тақдирда таътил вақти учун иш ҳақи тўланмайди.

Сизга ХК директори сифатида иш ҳақи ҳисоблаб ёзишга келсак, қонунчилик ХК раҳбарини ўзига иш ҳақи тўлашга мажбур қилмайди. Бироқ амалиётда хусусий корхоналарнинг кўп раҳбарлари, назорат қилувчи органларнинг эътирозларига нишон бўлмаслик учун, ўзларига иш ҳақи белгилайдилар ва ундан мажбурий тўловларни тўлайдилар. Ушбу масала бўйича батафсилроқ ахборотни сиз «Норма маслаҳатчи»нинг 2010 йил 15 мартдаги 11 (244)-сонидан чоп этилган «Ўзимга ўзим иш берман» материалдан олишингиз мумкин.

2. Фирма фаолиятини вақтинча тўхтатишингиз мумкин. Бироқ 3 ой ўтганидан кейин банк ҳисоб-

рақамларингизни блокировка қилади, яна уч ойдан сўнг эса корхонангиз Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган ва ўз устав фондларини қонун билан белгиланган муддатларда шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида низом* талабларига мувофиқ «мажбурий» тугатилиши керак.

Қонун ҳужжатларида сизга бунёд этган корхонангизни Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида низомда** назарда тутилган тартибда ихтиёрий тугатиш ҳуқуқи ҳам берилган.

3. Солиқ инспекциясининг сиз кўрсатган талаби қонуний эмас. Сиздан хусусий корхона солиқларини тўлашни талаб қилиши учун аввало ХКни банкрот деб эътироф этиш, қарзни узиш учун ХКнинг мол-мулкни етарли бўлмаган тақдирда эса сиздан ХК мажбуриятларини субсидиар ижро этишни*** талаб қилиш зарур (2003 йил 11 декабрдаги 558-II-сон «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун 3-моддаси тўртинчи қисми, Солиқ кодекси 62-моддасининг маъносидан келиб чиқилса).



? Қашқадарё вилоятининг 13 туманида аудио-, видео дискларни сотиш билан шуғулланadиган турғун савдо шохобчаларимиз мавжуд. Лицензия, шартнома асосида улар ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдоридан, яъни 37 680 сўмдан келиб чиқиб режа топширадилар. Ҳар бир шохобча ўз тумани банкига нақд пул маблағлари топширади.

Солиқ инспекцияси барча савдо шохобчаларида касса аппаратлари ўрнатилишини талаб қиляпти. Кино-, видеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида низомда (ВМнинг 2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарорига илова) касса аппаратлари тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган, бироқ биз савдо шохобчаларимизни қитанциялар билан таъминлаёмиз. Қайси меъёр асосида биз касса аппаратларини ўрнатишимиз кераклигини тушунтириб берсангиз.

Кўпчилик шохобчаларимизнинг майдони 10–12 кв. метрни ташкил қилади, туманларда тез-тез электр энергияси ўчиб туради, айниқса қишлоқларда электр 10–14 соатга узиб қўйилади. Мазкур ҳолда нима қилиш керак?

МЧЖ раҳбари.



НКМсиз МУМКИН ЭМАС

– Аҳоли билан пулли ҳисоб-китоб қилишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланиш тартиби тўғрисида низомнинг* 2 ва 3-бандларига мувофиқ барча мулкчилик шаклларидаги савдо корхоналари, муассаса ва ташкилотлар томонидан аҳолидан пул маблағларини қабул қилиш назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш билан амалга ошири-

лади. Назорат-касса машиналарини қўлламасдан аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишга корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда юқорида айтилган Низомга 1-иловада келтирилган рўйхатга биноан йўл қўйилади.

Сизнинг фаолият турингиз (аудио-, видео дискларни сотиш) рўйхатда кўрсатилган турларнинг

бирортасига мувофиқ келмаслиги боис савдо шохобчаларида назорат-касса машиналарининг бўлиши ва қўлланиши мажбурийдир.

Шу билан бирга, Солиқ кодекси 72-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, электр энергияси вақтинча бўлмаган тақдирда сиз савдони назорат-касса машинасиз, харидорларга қитанциялар, чипталар, талонлар ёки чекка тенглаштирилган, қонун ҳужжатларида белгиланган шаклдаги қатъий ҳисобдаги бошқа ҳужжатларни бериш шартли билан амалга оширишингиз мумкин.

Бироқ бундай ҳолатда мазкур жиҳатни инспекцияга ариза билан мурожаат қилиб, солиқ органлари билан ёзма равишда келишиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Кўпинча амалиётда тадбиркорлик субъектлари ариза беришдан аввал мазкур масалани уларга мутасадди бўлган солиқ инспектори билан оғзаки келишиб оладилар, инспектор уларга аризининг тўғри шаклини кўрсатиб беради**.

Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

*ВМнинг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарорига илова.

**Президентнинг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарорига илова.

***Мажбуриятларнинг субсидиар ижроси субсидиар жавобгарлик тушунчасидан келиб чиқади, бундай жавобгарлик деганда, агар биринчи шахс уни уза олмаса, олинмаган қарзни бошқа мажбур шахсдан ундириш ҳуқуқи тушунилади.

Жавобларни «Норма» МЧЖ эксперт-юристи Артём ОТСТАВНОВ тайёрлади.

ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



УЧИНЧИ ШАХС СУДИ

Ўзбекистонда ҳакамлик судлари 2007 йилда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун кучга кириши билан тез суръатларда ривожлана бошлади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонун нормаларини ижро этиш учун зарур бўлган муайян қондалар тасдиқланган.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тегишли ҳудудларда доимий фаолият кўрсатаётган ҳакамлик судларини рўйхатга олиш ҳамда вақтинчалик ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш ишлари олиб борилмоқда. Республикадаги 54 та доимий фаолият кўрсатаётган ҳакамлик судларида 312 нафар ҳакамлик судьялари ишламоқдалар. Уларнинг 300 нафарига яқини олий маълумотли, қолганлари ўрта махсус маълумотга эгалар. Бинобарин, 230 нафардан ортиқ судьялар олий юридик маълумот, 70 нафарга яқини бошқа ихтисосликларга эга. 2009 йил давомида доимий фаолият кўрсатаётган ҳакамлик судлари томонидан 1 252 та низо кўриб чиқилган. Вақтинчалик ҳакамлик судларини рўйхатга олиш бўйича мунозабатлар қайд этилмаган. Ҳакамлик судлари мамлакатимизнинг барча вилоятларида мавжуд бўлса-да, лекин уларнинг аксарияти пойтахтда, Тошкент ва Андижон вилоятларида жойлашган. Доимий фаолият кўрсатаётган судларнинг барчаси юридик шахслар ҳузурида ташкил этилган. Бундай судлар асосан Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон ҳакамлик судлари уюшмаси қошида, шунингдек уларнинг ҳудудий бўлинмаларида фаолият кўрсатаётир. Доимий фаолият кўрсатаётган ҳакамлик судлари тўғрисидаги умумлаштирилган маълумотлар Адлия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да муттасил чоп этиб борилади ва вазирликнинг www.minjust.uz расмий сайтыда жойлаштирилади.

Ақром НЕЪМАТОВ,
Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиғи.

Шунақаси ҳам бўлади

КУТИЛМАГАН УЧРАШУВ

Россияда суд приставлари судларнинг қарздорлардан маблағларни ундириш тўғрисидаги қарорларини бажариш учун янги технологияни қўллай бошладилар: улар Интернетда қарздор билан танишадилар ва биринчи учрашувда унинг мол-мулкни хатлайдилар.

Забайкал ўлкасида мол-мулкни қидириш бўйича суд пристави «Одноклассники.ру» сайти орқали қарздорни топди ва у билан қиз боладек танишиб, учрашувни таклиф қилди. Учрашувга қарздор қидирувда бўлган автомобилда келди. Натижада транспорт воситаси хатланди.

Кемерово вилоятида худди шундай воқеа юз берди. Ўша сайт орқали суд пристави, унда бошқа исм билан рўйхатдан ўтиб, қарздорлардан бири билан танишди, биров вақт хат ёзишгандан сўнг қарздор унга учрашишни таклиф қилди. Учрашувга суд пристави форма кийиб, хизмат машинасида келди. «Одноклассники» сайтида танишган хушбичим қизнинг формада ва хизмат вазифасини бажариш чоғида пайдо бўлишини кутмаган қарздор гангиб қолди. Унинг қарзни ижро ҳужжати бўйича қарзини узиш имкониятини қидиришига тўғри келди.

ВАФОТИДАН КЕЙИН «СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ» УНВОНИ

Новгород вилояти Боровичи туманининг солиқчилари суд приставларидан марҳумлардан қарзни ундиришни талаб қиляптилар.

2007 йилдан буён инспекторлар 1994 йилда вафот этган боровичлик шахсдан солиқлар бўйича боқимондани, шунингдек давлат божини ундиришни талаб қиляптилар. Марҳумга нисбатан ижро иши юритилди. Унинг қариндошлари инспекцияга солиқ тўловчи вафот этганлиги тўғрисида қайта-қайта мунозабат қилдилар, лекин бу ҳеч қандай натижа бермади. Бундай воқеа илгари ҳам юз берган эди – солиқчилар марҳумдан транспорт солиғини ундиришга ҳаракат қилган эдилар.

Интернет тармоғи материалларидан.

Т/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)
1.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, Холмухамедов кўчаси, 120-уй)	№ 4 18.05.2010 й.	1. Фаттахутдинов Рамиль Тарихович 2. Уралов Абдул Баркинович 3. Ли Виссарион Владимирович
2.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Олмалик шаҳар, Примкулова кўчаси, 15-уй)	№ 5 18.05.2010 й.	1. Сангинов Аймаҳаммед Ашурович 2. Каримов Файзулла 3. Сим Радион Виссарионович 4. Жумаева Ойша Оймаҳаммадовна
3.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Ш. Рашидов кўчаси, 20-уй)	№ 6 18.05.2010 й.	1. Садуллаев Абдулаким Хиязканович 2. Абдужалилов Абдор Набиевич
4.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳар, Анаркулов даҳаси 4-уй, 25-хонадон)	№ 7 18.05.2010 й.	1. Акбаров Бахтиёр Аманович 2. Туракулов Кахрамон Уринович 3. Имомов Юлдаш 4. Казакбаев Абдужалил Рихсиевич
5.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Чиноз шаҳар, Самарқанд кўчаси, 1-уй)	№ 8 18.05.2010 й.	1. Мираҳмедов Дилшод Садуллаевич 2. Абдуллаева Муборак Сабиржановна 3. Турдалиев Фарҳад Анварович
6.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 44-уй)	№ 9 18.05.2010 й.	1. Маманабиев Шарофидин Зиёидинович
7.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Қусовул к.ф.й., Бектемир кўрғони, Паркент тракт кўчаси, 14-уй)	№ 10 10.06.2010 й.	1. Бекчанов Рустам Атамуратович
8.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор кўрғони ф.й.)	№ 11 10.06.2010 й.	1. Умаров Шавкат Райимович 2. Тураев Икрам Кадирович
9.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Пискент тумани, Тўйчи полвон кўчаси, 1-уй)	№ 12 23.06.2010 й.	1. Каримов Хақимжон Қажум ўғли
10.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, Ф.Ғулом кўчаси, 12-даха, 51-уй)	№ 13 23.06.2010 й.	1. Худайназаров Мусурманкул
11.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳар, Мирзо Улукбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 68-уй)	№ 12 10.05.2010 й.	1. Нурова Турсунои Абдуллаевна 2. Рахимов Абдуқохор Абдусатторович 3. Нишанов Элдор Шодикулович*
12.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 18-уй)	№ 13 10.05.2010 й.	1. Ибрагимов Дониёрбек Акрамович 2. Мирзакулов Ғойиржон Нимадович 3. Маҳкамов Зокиржон Расулжон ўғли
13.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 2-уй)	№ 14 10.05.2010 й.	1. Бекчанов Алишер Рустамович
14.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй)	№ 15 10.05.2010 й.	1. Хайдарова Надежда Фёдоровна 2. Сатвалдиев Умид Эргашевич 3. Тен Нея Михайловна 4. Нигманов Равшан Телманович**
15.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳар, Уч-тепа тумани, Фарход кўчаси, 21 -уй)	№ 16 10.05.2010 й.	1. Алимов Абдуллазиз Абдулатипович 2. Эрмакбаев Эргашбой Сафарович 3. Камалов Қомилбой Чадаевич
16.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй)	№ 17 24.05.2010 й.	1. Хайдаров Илясиддин Абдуганиевич
17.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент вилоят ваколатхонаси (Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 77-уй)	№ 18 04.06.2010 й.	1. Муминов Ёдгор Хужакулович 2. Канн Роман Палладьевич 3. Вохидов Наби
18.	Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси Тошкент шаҳар филиали (Тошкент шаҳар, Сергели тумани, А.Ахматова кўчаси, 1-уй)	№ 19 16.06.2010 й.	1. Пулатов Рустам Бахтиярович

*ЎХСА Тошкент шаҳар филиалининг 2010 йил 29 майдаги 8-А-сонли қарорига мувофиқ Мухаметдинова Ирода Анваровна ҳакамлик судьялари рўйхатидан чиқарилган.

**ЎХСА Тошкент шаҳар филиалининг 2010 йил 29 майдаги 8-А-сонли қарорига мувофиқ Мирмусаев Мирпазил Миркамилович ҳакамлик судьялари рўйхатидан чиқарилган.

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

— «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ

— ЎзР МВ, ДСҚнинг «Ички бозорда сотилаётган «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларга акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА ҚОҒОЗНИ ТЕЖАШ ВА УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА (Кўчирма*)

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 30-сон, 252-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 7 июндаги 291-сон қарорида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 8 июндаги ПҚ-117-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирлар кейинги йилларда қоғознинг ёзув, газета ва офсет турларидан янада оқилона фойдаланиш ва уларни тежашни таъминлади.

Қоғоз маҳсулотларини тендер асосида харид қилиш тизими ва сотиб олиш харажатларини камайтириш такомиллашмоқда, қоғознинг, аввало ёзув ва нусха кўпайтириш учун ишлатиладиган турларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг сарфланиши устидан назорат кучайтирилди. Кейинги уч йилда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари аппаратларида қоғоз сарфи йилига 10 фоиздан 40 фоизгача қисқарди.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, маҳаллий ва тармоқлараро вазифаларни тезкор ҳал этиш, шунингдек қоғоз сарфини қисқартириш мақсадида компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиши, ахборот тизимлари изчил суръатларда жорий этилмоқда, давлат ва идоравий интерактив хизмат кўрсатиш турлари тармоғи ривожланмоқда. Компьютер техникаси билан жиҳозлаш даражаси давлат кўмиталарида — 61,0 фоизни, вазирликларда — 81,0, ҳокимликларда — 91,0 фоизни ташкил этади. Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ярмида қоғоз сарфини анча камайтириш имконини берган локал тармоқлар ва электрон ҳужжат айланиши тизими фаолият кўрсатмоқда.

Нашриёт-матбаа фаолияти, шунингдек оммавий ахборот воситалари соҳасида қоғознинг газета ва офсет турларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишга доир комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди. Ўзбе-

кистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Шарқ» компанияси ва бошқа матбаа корхоналари томонидан ўз маблағлари ҳисобига модернизация қилиш ва босма маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш таъминланмоқда. Китоб чиқариш ва даврий нашрларни чоп этишнинг барча босқичларида қоғоз сарфини қатъий тартибга солиш ва технологик харажатларни қисқартириш имконини берган стандартлар комплекси ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Шу билан бирга, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясида, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясида, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида, «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясида, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида, шунингдек бошқарувнинг бошқа органларида ишларнинг аҳволини ўрганиш ёзув ва нусха кўпайтириш учун ишлатиладиган қоғозни сарфлашда зарур тартиб ўрнатиш, ушбу мақсадлар учун ажратилаётган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағларни мақбуллаштириш, ҳужжатлар айланишини қисқартириш қоғоз маҳсулотларидан тежаб фойдаланишда ходимларга талабчанликни кучайтириш бўйича камчиликларни бартараф этиш зарурлигини кўрсатди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда республикада қоғоздан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, ушбу мақсадларда ахборот-коммуникация технологияларини ва тизимларини жорий этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек бошқарув ва ижро этувчи аппаратлар фаолиятини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш режимини ҳамма жойда кучайтириш, ахборот-комму-

*Ҳужжатнинг тўлиқ матни, шунингдек унинг 1-иловаси билан «Norma» АҚТда ва www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.

никация технологияларидан самарали фойдаланиш, қоғозбозлик ва расмийчиликни бартараф этиш, ортиқча ҳужжатлар айланишини янада қисқартириш, кўп сонли мажлислар ва йиғилишлар ўтказиш, асосланмаган ҳисобот ва ахборот-маълумотнома тарзидаги материалларни сўраш амалиётини кескин чеклаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижадорлиги учун қатъий огоҳлантирилсинлар.

2. Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишни назарда тутадиган қўшимча чора-тадбирлар комплекси (кейинги ўринларда қўшимча чора-тадбирлар комплекси деб аталади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

– қоғоз маҳсулотларини харид қилиш, ҳисобга олиш бўйича назорат тизимини кучайтириш, Давлат бюджети харажатлари классификациясига қоғоз харид қилиш учун алоҳида моддани жорий этиш, 2010-2012 йилларда қоғоз сарфини камида 30 фоизга, ҳар йили – 10 фоиздан қисқартириш. Ҳазначилик ва унинг бўлинмалари томонидан ушбу мақсадлар учун маблағлардан фойдаланиш мақбуллаштирилиши устидан мунтазам равишда мониторингни амалга ошириш;

– 2011 йилда бошқарув органларининг маъмурий-бошқарув ходимларини компьютер техникаси билан таъминлашни яқунлашни назарда тутган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, қоғоз ёзишмаларини, энг аввало ички идоравий қоғоз ёзишмаларини тегишли равишда қисқартирган ҳолда электрон ҳужжат айланишини кенгайтириш параметрларини қайта кўриб чиқиш ва 2011-2015 йиллар учун янги мақсадли параметрларни белгилаш, локал ва корпоратив компьютер тармоқларини, шунингдек бошқа ахборот тизимларини жорий этиш;

– бошқарув органлари ва ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги малакаси ва кўникмалари даражасини ошириш, уларни даврий аттестациядан ўтказишни жорий этиш;

– нашриётларнинг мавзу режалари мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, долзарб аҳамиятга эга бўлмаган ижтимоий аҳамияти кам бўлган адабиётлар нашр этилишини бартараф этиш. Матбаа корхонала-

рини янада модернизация қилиш, нашриётлар ва босма оммавий ахборот воситалари фаолиятига замонавий илғор технологияларни жорий этиш, нашриёт-матбаа жараёнларини мақбуллаштириш бўйича тармоқ стандартларини ва бошқа норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда ишлаб чиқиш, шу асосда қоғознинг газета, офсет ва бошқа турларидан янада тежаб фойдаланишни таъминлаш;

– мактабларнинг айрим синфларида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш муддатларини узайтиришни назарда тутган ҳолда уларни янгилаш ва нашр этиш даврийлигини мақбуллаштириш;

– республиканинг маҳаллий қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналари ва ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларда ресурслар ва энергияни тежаш технологияларини жорий этиш, маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва номенклатурасини кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг хом ашё базасини янада ривожлантириш, иккиламчи қоғоз чиқиндиларини қайта ишлаш учун тўплаш, тайёрлаш ва етказиб бериш, шунингдек қайта ишлаш тизимини кучайтириш ва такомиллаштириш.

4. Вазирлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқаруви бошқа органларининг раислари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари 10 кун муддатда ушбу қарор талаблари ва тасдиқланган Қўшимча чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича амалий тадбирлар дастурини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 1999 йил 7 июндаги 291-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 июндаги 275-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,
2010 йил 22 июль
155-сон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

**ИЧКИ БОЗОРДА СОТИЛАЁТГАН «ЖЕНЕРАЛ МОТОРС
ЎЗБЕКИСТОН» ЁАЖ ТОМОНIDАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
АВТОМОБИЛЛАРГА АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТўЛАШ
ТАРТИБИ ТўҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 27 июлда рўйхатдан ўтказилган,
рўйхат рақами 2126.*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 30-сон, 257-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси (Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 560-модда) му-

*2010 йил 6 августдан кучга киради.

вофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қиладилар:

1. Ички бозорда сотилаётган «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларга акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш

тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири
Р.АЗИМОВ.
59-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси
Б.ПАРПИЕВ.
2010-29-сон

Тошкент ш., 2010 йил 14 июнь.

ЎзР МВ ва ДСҚнинг
2010 йил 14 июлдаги 59, 2010-29-сонли қарорларига
ИЛОВА

**ИЧКИ БОЗОРДА СОТИЛАЁТГАН «ЖЕНЕРАЛ МОТОРС
ЎЗБЕКИСТОН» ЁАЖ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
АВТОМОБИЛЛАРГА АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАШ
ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 560-модда) мувофиқ ички бозорда сотилаётган «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларга акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

I. АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ТЎЛОВЧИЛАР

1. Акциз солиғини тўловчилар «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган янги автомобилларни «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ билан тузилган савдо-дилерлик келишувлари (матнда — «дилерлар») асосида сотувчи юридик шахслардир.

**II. СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ ВА СОЛИҚ
СОЛИНАДИГАН БАЗА**

2. Акциз солиғи бўйича солиққа тортиш объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиққа тортиладиган «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш ҳисобланади.

3. Акциз солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган база бўлиб, «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларни дилерлар томонидан республика ичида сотиладиган, дилернинг комиссиян мукофотини чегириб ташлаган ҳолдаги қиймати ҳисобланади.

**III. АКЦИЗ СОЛИҒИ МАБЛАҒЛАРИНИ
ҲИСОБЛАШ ВА ЖАМЛАШ ТАРТИБИ**

4. Сотилган автомобилга акциз солиғи суммаси ку-

йидаги формула орқали ҳисобланади:

$$S = H \times \frac{A}{100 + A} \text{ — бу ерда:}$$

S — акциз солиғи суммаси;
H — солиқ солиш базаси;
A — акциз солиғи ставкаси.

Мисол: Дилер томонидан «МХ В0» модификацияли «Матиз BEST» русумли автомобиль 11 363,38 минг сўм чакана нархга сотилган бўлиб, ушбу сумма 222,81 минг сўмга тенг бўлган дилернинг комиссиян мукофот пулини ҳам ўз ичига олган. Акциз солиғининг ставкаси 29% га тенг. Солиқ солиш базаси 11 140,57 минг сўмни (11 363,38 — 222,81) ташкил этади. Шунда акциз солиғининг суммаси 2 504,47 минг сўмни (11 140,57 * 29/129) ташкил этади.

5. Дилерлар, ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ ҳисобланган акциз солиғи суммасини, автомобилларни сотишдан олинадиган тушум билан биргаликда, савдо-дилерлик келишувиде кўрсатилган муддатларда «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖнинг махсус банк ҳисоб рақамига бир вақтда ўтказадилар.

6. Хорижий валютадаги халқаро пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда автомобиллар сотилганда, автомобиль учун тўлов харидорлар томонидан «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖнинг транзит валюта ҳисоб рақамига ўтказилади. Тўлов суммаси тўлов ўтказилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ички бозорда амалда бўлган чакана нархига эквивалент миқдорда бўлади.

Шу билан бирга, «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ миллий валютадаги ўз пул маблағлари ҳисобидан:

акциз солиғи суммасини — «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖнинг махсус банк ҳисоб рақамига;
дилернинг комиссиян мукофот суммасини — дилернинг талаб қилиб олингунча бўлган депозит ҳисоб рақамига ўтказилади.

7. «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ билан дилерлар орасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати савдо-дилерлик келишувлари шартларига мувофиқ ҳар

ойлик солиқ ширма далолатномалар тузиш орқали назорат қилиб борилади.

8. Акциз солиғи маблағлари «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖнинг махсус банк ҳисоб рақамидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорларига мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги муддатларда кўчирилади:

ойнинг биринчи ўн кунлиги учун — шу ойнинг 13-кунидан кечиктирмай;

ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун — шу ойнинг 23-кунидан кечиктирмай;

ойнинг охириги ўн кунлиги учун — кейинги ойнинг 3 кунидан кечиктирмай.

IV. ҲИСОБ-КИТОБНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

9. Акциз солиғининг ҳисоб-китоби дилерлар томонидан солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига, ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда:

микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан — йилнинг ҳар чорагида солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан — ҳар ойда солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10. Акциз солиғини тўғри ҳисоблаш ва тўлаш, ҳамда давлат солиқ хизмати органларига ўз вақтида ҳисоб-китобларни тақдим этиш бўйича масъулият қонунчиликка мувофиқ, дилерлар зиммасидадир.

11. Акциз солиғи маблағларининг тўғри ҳисоблаши ва тўланиши бўйича назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, ушбу Низом ва қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

12. Ушбу Низом «Ўзавтосаноат» АК билан келишилган.

«Ўзавтосаноат» АК бошқаруви раиси
У.РОЗИҚУЛОВ.

Тошкент ш.,
2010 йил 14 июль.

Ички бозорда сотилаётган «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ томонидан ишлаб чиқарилган автомобилларга акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида низомга
ИЛОВА

Юридик шахснинг тамғаси

Давлат солиқ инспекциясига _____ туман (шаҳар)

Солиқ тўловчи _____
(ташкilotнинг номи)

СТИР

Телефон _____

Тўловчининг манзили _____

Ҳисоб рақами N _____
(банк номи, код)

20__ йил учун ички бозорда сотилаётган «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ автомобилларига акциз солиғининг ҲИСОБИ


Автомобиль моделлари		Битта автомобилнинг чакана нархи	Битта автомобилга нисбатан солиқ базаси (дилернинг комиссия мукофот суммасини чегирган ҳолдаги автомобилнинг чакана нархи)	Акциз солиғи ставкаси, %	Битта автомобилга акциз солиғи	Шу моделдаги ва модификациядаги сотилган автомобиллар сони, дон	Акциз солиғи суммаси (6-уст. х 7-уст.)
Модел номи	Опцияси						
1	2	3	4	5	6	7	8

Ҳаммаси бўлиб ҳисобланди

Раҳбар _____
(Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер _____
(Ф.И.Ш.)

20__ йил “__” _____ М.Ў.




TOP


ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 30 (263) 2010 йил 10 август

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



**АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ**



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА
СИФАТ ВА КАФОЛАТ**



Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил) кўч., 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

• РЎЙХАТЛАР

*Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 14 майдаги қарорларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Раҳбар исм-шарифи	Манзили	Қарор рақами
"FERUZAXON RIZQLI OMAD" XK	301231598	Ф.Тўлаганова	Р.Исмоилов кўч., 11	10-1017/7025
"SHAHINA NIHOL" XK	301276580	Х.Азизов	Форобий кўч., 26а	10-1017/7023
"MINURA-BROKER" МЧЖ	205856555	М.Туленова	Ўразбоев кўч., 1а	10-1017/7024
"FINE TOUR" МЧЖ	207018599	А.Каттаходжаев	Боғ кўч., 21-29	10-1017/7028
"GULYAMOVA DURDONA" МЧЖ	206818158	Д.Фуломова	Ген.Фофуров кўч., 122	10-1017/7029
"OQILJON TAOMLARI" XK	301216820	Б.Хусанов	Ш.Алейкум кўч., 11	10-1017/7007
"MEVAZOD MEBEL" МЧЖ	205850248	С.Исматуллаев	З.Бобохонов кўч., 39	10-1017/7003
"ADUAZIMBEK-OMAD" МЧЖ	301353683	М.Халилов	Талабалар шаҳарчаси, 174	10-1017/7005
"UMID GOLD INVEST" МЧЖ	300746835	У.Файзуллаев	Форобий, 5-41	10-1017/7017
"AYRIN KONSALT" XK	205599281	И.Адаева	Тансиқбоев-1, 4-62	10-1017/7000
"SHAHZOD VA FARHOD" МЧЖ	204483199	И.Хайдарова	Култиватор кўч., 3	10-1017/7001
"KALKAD TRANZIT" МЧЖ	301331860	А.Калашников	Ломоносов кўч., 5-1	10-1017/7014
"RIXSIVOY SUPER SERVICE" МЧЖ	301295453	Б.Тошпўлатов	Қорақамиш 2/4, 5а-8	10-1017/7010
"ORLOT-TANHO-SANOVA TI" XK	206649828	Ғ.Жумаев	Зиёмов кўч., 17	10-1017/7009
"SARDOR-DIPLOMAT" XK	206743632	С.Чориева	О.Бобохонов кўч., 22-75	10-1017/7011
"AGREGAT-MED" ШК	206851051	Э.В.Тен		
		("Агрегат заводи" ОАЖ)	Уста Ширин кўч., 117	10-1017/7016
"TOLERANT FASHION" МЧЖ	300978697	М.Фафуров	Сағбон кўч., пр-14, в-2	10-1017/7020
"NUNI-SAVDO" XK	300758392	Х.Абдурахмонов	Нодира кўч., 18а	10-1017/7015
"FORBES LUNA" XK	300632764	А.Арипов	Зиёмов кўч., 25	10-1017/7008
"OBOD DIYOR" XK	300885204	Б.Тиллаходжаев	Қорасарой-144	10-1017/7019
"RA'NOXON-OMAD" МЧЖ	300947728	Ш.Бахтиёр	Беруний-3, Блок-Г, 54	10-1017/7006
"ARSAUG-SERVIS" МЧЖ	300025237	С.Алоян	Адхам Раҳмат кўч., 25	10-1017/7004
"GROSSE IMPRESE" МЧЖ	300610292	С.Якубжонов	А.Юнусов кўч., 1в	10-1017/7013
"ARTITUDE BUSINESSMAN" XK	301225754	О.Адилов	Исматова кўч., 21	10-1017/7002
"ANVARBEK SAVDO PLUS" МЧЖ	300970194	Г.Худойбердиева	Хонобод, Намданак тор кўч., 2	10-1017/7031
"NATALI BROK SERVIS" МЧЖ	300869025	В.Щетинин	Нукус тум. Қорақалпоғистон кўч., 26-6	10-1017/6999
"GOOD STOM MBF" XK	205971374	М.Абераев	Қорақамиш 2/4, Ўразбоев кўч., 2-4	10-1017/7018
"ZEUS EXCLUZIVE" МЧЖ	301317125	Т.Муратов	Себзор, 39-32	10-1017/7021
"SHARF FOODS" МЧЖ	300935085	А.Шайимкулов	Бобохонов кўч., 28-20	10-1017/7033
"DADA-GRAND STAR" XK	300918779	Ш.Исмоилов	Нодира кўч., 88	10-1017/7012
"KELAJAK BINOKOR SAVDO" ШК	300593379	А.Азимов		
		("Чернобиль" жамғ.)	Фалаба-1	10-1017/7022
"BUILDING TRAST INDUSTRY" МЧЖ	300962741	Ш.Маннопов	Охунбобоев ж/х, Навий кўч., 11	10-1017/7030
"SULTANOV BA" XK	301127132	Б.Султонов	Қорақамиш 2/1, 27-27	10-1017/7026

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари ҳамда бирламчи таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхати-дан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Собир Раҳимов тумани ҳокимияти махсус комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан туман махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилади. Тел.: 227-15-73, 228-68-90, 228-07-54.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 4 августдаги 10-1006/11898-сонли ҳал қилув қарорига асосан Чилонзор туманидаги "Жи-Хозлаш МК" XK ҳамда 10-1006/11899-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Наргиз-шахзода-бону-савдо" МЧЖ банкрот деб эълон қилинган ва тугатишга оид ишлар бошланган. Тугатиш божқарувчилари этиб Ш.Бекмуродова ва М.Мирпўлатов тайинланган. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналар 2 ой муддат давомида ўз мурожаатларини Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 1-Бунёдкор кўчаси, 51а-уй, Чилонзор туман ДСИ биносига билдиришлари мумкин. Тел.: 276-98-22, 276-98-24. Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак шаклидаги муҳр ва штамплари бекор қилинди.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарорларига асосан Сергели туманидаги банкрот деб эълон қилинган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"Muhammad Orif Savdo" МЧЖ	10-1016/11315
"Driada Biznes" МЧЖ	10-1016/11316
"Sevinch Shox Abbos" МЧЖ	10-1016/11317
"Tokad Omad" МЧЖ	10-1016/11318
"Yashnarbek fayz" МЧЖ	10-1016/11726

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш божқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходими Ш.Муродов тайинланган. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 6а-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 2-хона. Тел.: 257-74-51, 257-85-93.

"Интеграл стар" XK таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги ВК туридаги, Вихрли
дренаж учун ГНОМ туридаги ЦМК туридаги фекаль
К туридаги, Консоль "Андижанец" насоси
"КАСКАД" ҚЎЗ

189-10

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ



Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 23 июлдаги 10-1017/12155-сонли ажримга асосан Мирзо Улуғбек туманидаги "Firely Grand Trade" МЧЖ бўйича банкротлик иши қўзғатилган. Мазкур корхона кредиторларининг 1-йигилиши 2010 йил 5 август куни Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносига (Э.Атахонова кўчаси, 314-уйда) ўтказилиши ва банкротлик иши 2010 йил 6 август соат 15.25 да Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносига (Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй) 2-сонли суд залида қўрилиши белгиланган. Ушбу корхона кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 20 июлдаги ҳал қилув қарорларига асосан Ҳамза туманидаги банкрот деб эълон қилинган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қарор рақами
"GOLD KONSTRUKTION MATERIALS" МЧЖ	205260547	10-1015/11042
"TEHNO ALOQA" МЧЖ	204886528	10-1015/11043
"CENTRAL ASIA AGRO EXPORT" МЧЖ	205727644	10-1015/11156
"GRATIS OPTIMA BIZNES" МЧЖ	300178252	10-1015/11157

Мазкур корхоналар бўйича тугатиш божқарувчиси этиб Ҳамза туман ДСИ ходими Э.Жўраев тайинланган. Корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисида гувоҳномалари ҳамда барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2010 йил 20 сентябргача қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент ш., Тараққиёт 2-тор кўчаси, 6-уй, Ҳамза туман ДСИ биноси, 401-хона. Тел.: 289-46-66, 289-58-35.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2010 йил 19 июлдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами
"BENIK VA SHUHRAT SAVDO SERVIS" МЧЖ	10-1015/10972
"TIK TAK PLUS" МЧЖ	10-1015/10967
"ТИГМА" МЧЖ	10-1015/10965
"ORZU BARAKA SAVDO" МЧЖ	10-1015/10964
"AZIM ISMOIL BARAKA" XK	10-1015/10970
"SAMIRA'S FASHION" ШК	10-1015/10971
"MERIDA PLUS SERVIS" МЧЖ	10-1015/10973
"AGRO-GIPS PLUS" МЧЖ	10-1015/10984
"SERVIS MAKS-PRO" XK	10-1015/10985
"SHAXIRBEK-SAVDO" МЧЖ	10-1015/10986
"MUNISA-NIXOL" МЧЖ	10-1015/10969
"HEDONG-TEHNO BILD" МЧЖ	10-1015/10976
"DAVR-DON MAHSULOT" МЧЖ	10-1015/10975
"HAMID-RUMAN BIZNES" МЧЖ	10-1015/10974
"NIGORA MED SERVIS" МЧЖ	10-1015/10979
"ASULZAR" XK	10-1015/10983
"LORA-LINE" МЧЖ	10-1015/10978
"MERI MARIYAM" МЧЖ	10-1015/10977
"BROK TIME GROUP" МЧЖ	10-1015/10957
"FARANGIZ-CAPITAL" XK	10-1015/10956
"VERSUS SERVIS" МЧЖ	10-1015/10982
"MEGA MALL" МЧЖ	10-1015/10981
"AROMA TRIUMPH" XK	10-1015/10962
"STROYINSERVIS" XK	10-1015/10980
"SO'G'DIYONA-FILM" МЧЖ	10-1015/10961
"ASIA MAX DECOR" МЧЖ	10-1015/10960
"KENT TRAVEL TOUR" МЧЖ	10-1015/10959
"TAYFUN QURILISH" МЧЖ	10-1015/10963
"ONLINE SOLUTIONS" МЧЖ	10-1015/10958

Мазкур корхоналарнинг Низоми, таъсис ҳужжатлари, гувоҳномалари, махсус лицензиялари ва бошқа бирламчи ҳужжатлари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Фаргона йўли кўчаси, 21-уй, Ҳамза тумани Ҳокимияти биноси, 32-34-хонада қабул қилинади.

УзР Авианинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

"AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Хамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - УзРдаги 5000 ЭКИХдан ортик

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел: 409-04-23. Факс: 294-77-48

"Аудит-Варн" МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН ХУДУДИДА, БҲМХ ВА МҲХС БҮЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

128-10

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,

уяли: +998971192248

Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42

Тошкент вил., тел. +998974541664

"NAZORAT-AUDIT" МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

МВЯнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари

Хизматлар халқаро малакага эга аудиторлар томонидан кўрсатилади

e-mail: nazorat_audit@mail.ru
8-371-2794716, +99897 402-05-00
+99899 258-57-97, +99897 340-98-62
8-371-2794401

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш. Хўжалик, жиноят ишлари. Адвокатлик фирмаси.*
Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.*
Тел. 448-74-69.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш.*
Тел.: 343-41-56, 448-74-69.

БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ

Баланслар. Маслаҳатлар бериш. Тел. 100-65-80.

ХИЗМАТЛАР

Компьютер ва ташкилий тех-

ЭЪЛОНЛАР

никага тез ёрдам. Веб-сайтлар яратиш.
Тел. 380-73-71. Олег.

Компьютерларни таъмирлаш. Тел. (+99890) 321-15-99.

Ташкилий техникани тўлдириш ва таъмирлаш.
Тел. (+99897) 340-45-08.

Компьютерлар ва ташкилий техникани дастурий ва техник таъмирлаш.
Тел.: 102-72-98, 244-58-12.

Лазерли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 337-59-17. Анатолий.

Видео-, фотосуратга олиш.*
Тел. (+99897) 709-20-17.

*Хизматлар лицензияланган.

РҮЙХАТЛАР

*Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ТСРУИдан рўйхатдан ўтиб узоқ муддатдан бери ҳисобрақам очмаган, фаолият юритмаётган ҳамда ҳисобот топширмаётган тугатилаётган корхоналар РҮЙХАТИ

Корхона номи	СТИР	Қайта рўйхатдан ўтган сана	Рўйхатга олинган сана	Рўйхат рақами
"SHOS ARMADA TRADE" МЧЖ	300435637	02.05.07	01.05.07	002854-04
"VISTA ORIENT TRAVEL" МЧЖ	300439891	04.05.07	04.05.07	002863-04
"BULBULISTON" ХК	300455976	17.05.07	17.05.07	002903-04
"KENT KOMMUNIKATIONS" ХК	300456681	18.05.07	18.05.07	002911-04
"NUR ANOR SAVDO" МЧЖ	300462478	23.05.07	23.05.07	002917-04
"ORTO PROM SERVIS" МЧЖ	300467613	28.05.07	28.05.07	002926-04
"QAHRAMON SAVDO" МЧЖ	300477735	06.06.07	19.07.07	002950-04
"ZANZARA GOLDEN" ХК	300481390	11.06.07	11.06.07	002954-04
"D AND B SERVIS" ХК	300483579	13.06.07	13.06.07	002964-04
"RASUL DAVRON PLUS" ХК	300485401	15.06.07	14.06.07	002967-04
"AZIZ SAID OMAD" ХК	300510916	13.07.07	13.07.07	003035-04
"AGZAMSTROY" ХК	300514672	18.07.07	18.07.07	003047-04
"DILBAR-BARAKA INVEST" ХК	300525026	30.07.07	30.07.07	003075-04
"OYRABO-PLUS SERVIS" ХК	300529756	31.07.07	31.07.07	003086-04
"SHAHNINAXON BAXTIM" ХК	300533451	06.08.07	06.08.07	003096-04
"JASMIN-SAVDO SERVIS" ХК	300539198	13.08.07	13.08.07	003110-04
"JAM PLUS INVEST" МЧЖ	300539181	13.08.07	13.08.07	003109-04
"MALIKAIY SHOXISTAXON SERVIS" ХК	300554085	31.08.07	31.08.07	003153-04
"UMIDA NILUFAR SAVDO" ХК	300556842	05.09.07	05.09.07	003157-04
"ELISEL INVEST" ХК	300570977	20.09.07	20.09.07	003200-04
"PRIME-INVESTMENT SERVIS PLUS" ХК	300570914	20.09.07	20.09.07	003199-04
"GAGASH MUSIK" ХК	300580173	01.10.07	07.09.07	003182-04
"EURO-PAKET" МЧЖ	300580158	01.10.07	29.09.07	003216-04
"RUSTAM-ALI ILI NUR" МЧЖ	300594005	17.10.07	09.10.07	003240-04
"LOLA KODIKOVA" УЖМШ	300593988	17.10.07	09.10.07	003237-04
"ASAD-IZAD-BIZNES" ХК	300605392	31.10.07	31.10.07	003299-04
"ASIA KONSALT BUSINES" КК	300608515	05.11.07	05.11.07	003307-04
"PANAKEYA" ХК	300612908	09.11.07	07.11.07	003317-04
"HANSOL INTERCOM" МЧЖ	300633027	30.11.07	27.11.07	003364-04
"KARVON-SAROY FIDOKOR" МЧЖ	300638984	07.12.07	07.12.07	003393-04
"VOHA INVEST" МЧЖ	300639019	07.12.07	07.12.07	003392-04
"SHERZOD TRANS SERVIS" ХК	300643781	13.12.07	04.12.07	003381-04
"DIAZAR TECHNOLOGYS" ХК	300658675	27.12.07	27.12.07	003434-04
"GOLD MONOLIT" МЧЖ	300675949	10.01.08	10.01.08	003456-04
"SERVAL SHIPPING AG AK" (ШВЕЙЦАРИЯ)	206945088	15.01.08	29.12.07	2802-04
"INTER ID MID-ASIA LLC" КК	300690574	23.01.08	23.01.08	003484-04
"ROSSIYSKIE TEHNOLOGII" МЧЖ	300691408	23.01.08	23.01.08	003487-04
"TEXNO ALFA MAYNING" МЧЖ	300700465	30.01.08	30.01.08	003511-04
"SAID AXMAD FILMZ" ХК	300721645	15.02.08	04.02.08	003519-04
"GULCHEHRA BIZNES" МЧЖ	300725648	19.02.08	19.02.08	003552-04
"RADOS SOLUTION" МЧЖ	300750396	06.03.08	06.03.08	003595-04
"PLATON-JAHON" МЧЖ	300755974	11.03.08	11.03.08	003610-04
"HALOL-SERVIS-PLUS" УЖМШ	300772124	24.03.08	17.03.08	003624-04
"ILANOR" МЧЖ	300792660	07.04.08	07.04.08	003679-04
"FOREX PRIMA ART" ХК	300797052	09.04.08	09.04.08	003682-04
"IRINA-BIZNES PLUS" ХК	300819577	28.04.08	28.04.08	003740-04
"ARTLOG" ХК	300820997	30.04.08	29.04.08	003745-04
"G'ANIYUN" ХЎЖАЛИК ХИСОБИДАГИ ШК	300821283	30.04.08	23.04.08	003730-04
"OPTIMAL POINT" МЧЖ	300823329	01.05.08	01.05.08	003749-04
"VERTICAL INVESTMENT" МЧЖ	300825508	05.05.08	05.05.08	003754-04
"MAVLON KORI-TOSHI" МЧЖ	300832490	13.05.08	12.05.08	003766-04
"KAMNET DIZAYN" МЧЖ	300840141	20.05.08	20.05.08	003805-04
"BAKHODIR AND MUBIYNA SERVIS" МЧЖ	300853229	02.06.08	02.06.08	003841-04
"EXACT-TRADE" МЧЖ	300861076	10.06.08	10.06.08	003862-04
"MUBINA BARAKA SAVDO" ХК	301657114	12.07.10	12.07.10	005853-04
"FLASH LIGHT'S PRO" МЧЖ	300863231	13.06.08	13.06.08	003869-04
"ЖАНКИР ТОО (КОЗОФИСТОН)"	206965539	25.06.08	12.12.07	6633-24
"BORMUS" МЧЖ	300899004	28.07.08	28.07.08	003983-04
"HEADSTART PLUS" МЧЖ	300901531	31.07.08	31.07.08	003988-04
"KARADAS ALYUMIN" КК	300917961	22.08.08	22.08.08	004033-04
"STRONG WILL PLUS" МЧЖ	300917978	22.08.08	22.08.08	004034-04
"MAXIMUM BUSINESS CAPITAL" МЧЖ	300925629	29.08.08	29.08.08	004056-04
"INIS PLUS" ХК	300927601	04.09.08	04.09.08	004064-04
"ANDRO FART-SERVIS" МЧЖ	300929962	08.09.08	08.09.08	004074-04
"PROGEN LTD" (БРИТ.ВИРЖИНИЯ ОРОЛЛАРИ)	206974377	11.09.08	21.06.04	1002
"ENDEMO TRANS" МЧЖ	206974622	12.09.08	11.09.08	004087-04
"NODIR INVEST" ХК	300949527	29.09.08	29.09.08	004124-04
"SILVER MED TRADE" МЧЖ	300952137	30.09.08	30.09.08	004129-04
"PRIMA BUSINESS" КК	300955797	06.10.08	06.10.08	004134-04
"EZOZ FOOD" ХК	300962346	14.10.08	14.10.08	004158-04
"OPTIMUM DEFEND" МЧЖ	300967354	21.10.08	21.10.08	004177-04
"CHINESE WHRATEN FOOD" КК	300969423	23.10.08	23.10.08	004185-04
"MODERN PHOTOGRAPHY" КК	300970455	24.10.08	24.10.08	004188-04
"AZGIDRO FARM" МЧЖ	206979719	03.11.08	27.10.08	004194-04
"ABDU-QUALITY-BIZNES" ХК	300976637	04.11.08	04.11.08	004209-04
"SHU'LA NASHRIYOTI" ХК	206980157	07.11.08	05.11.08	004213-04
"DOSH-BIZNES" МЧЖ	300985049	14.11.08	14.11.08	004234-04
"AYVENGO GOLD" ХК	300989715	24.11.08	24.11.08	004253-04
"OPFER LAND" МЧЖ	206981678	25.11.08	24.11.08	004255-04
"ALI-PROFESSIONAL SERVICE" ХК	300993671	28.11.08	28.11.08	004266-04
"ZIYOLI OLAM" ХК	301005205	16.12.08	16.12.08	004307-04
"AVIABAH-PLUS" МЧЖ	301016144	26.12.08	16.01.09	004339-04
"ART WOOD" МЧЖ	301020045	06.01.09	06.01.09	004358-04
"KUNDALA PLUS" МЧЖ	206986038	08.01.09	31.12.08	004351-04
"DELTA MAX CLEANING" МЧЖ	206987036	16.01.09	16.01.09	004386-04
"TEKNIKAL UNIVERSAL EXTRA SERVIS" КК	301034573	20.01.09	20.01.09	004400-04
"MAXSUS SIFAT QURILISH" МЧЖ	301048856	02.02.09	02.02.09	004433-04
"FARRUH-SHAXZOD SAVDO" ХК	301072954	20.02.09	20.02.09	004487-04
"MULTI PAY SYSTEMS" МЧЖ	301079192	26.02.09	26.02.09	004497-04
"PLOMBIRATOR" ХК	301083656	02.03.09	02.03.09	004507-04
"SHUAN TRADING" МЧЖ	301084931	03.03.09	03.03.09	004514-04
"SHUKRONA-AZIM-SAVDO" ХК	301095775	11.03.09	09.04.09	004534-04
"SHERTAEV TRADING" МЧЖ	301115488	26.03.09	26.03.09	004568-04
"KOMIL MEROS" МЧЖ	301230472	18.06.09	18.06.09	004777-04
"MARJONTOSH-BIZNES-SAVDO" ХК	300050001	13.11.06	13.11.06	002446-04
"DAURAN AUMAT" МЧЖ	301034082	20.01.09	20.01.09	004395-04
"BIT-AUDIT" МЧЖ	202395293	11.01.01	30.09.97	2,431
"FAYZ BARAKA" МЧЖ АУДИТ.ФИРМАСИ	203705712	02.10.01	11.09.01	2,688
"CHANTIK" ХК	202340948	02.02.01	31.07.01	2,667
"ZULFI-ZEBO" МЧЖ АУДИТ.КОМП.	203806475	02.01.02	27.12.01	2,706

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхона рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 122-ўй манзилгоҳи бўйича Олти ой ва ундан ортик вақт мобайнида фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.

Тахририят огоҳлантирадиги, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материаллари тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Норма" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буяртма 672 Алдади 4270. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 6 августда соат 18.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223